

Домла Ҳиндистоний раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳаётлари



Домла Ҳиндистоний раҳматуллоҳи
алайҳнинг ҳаётлари

Уламолар

11:24 / 21.12.2025 1851

Мавлоно Муҳаммаджон ибн Рустам Ҳиндистоний 1892 йилда Қўқон яқинидаги Чорбоғ қишлоғида туғилганлар. У киши халқ орасида «Домла Ҳиндистоний», «Мавлавий Ҳиндистоний» ва «Ҳожи домулло» номлари билан танилганлар. Ўн тўрт ёшларида Қуръони Каримни тўлиқ ёд олганлар. Дастлаб Қўқондан Бухорога, Мозори Шарифга, сўнгра Ҳиндистонга сафар қилиб, у ерда узоқ йиллар оилаларидан йироқда таҳсил олганлар. 1942 йил урушга бориб Белорусияда жароҳатланиб қайтганлар. 1946 йили муфтий Эшон Бобоҳон ҳазратлари тавсияси билан Тожикистонда «Мавлоно Чархий» масжидида мутавалли, «Ҳожа Яъқуб» масжидида имом-хатиб бўлиб хизмат қилдилар. 1955-1956 йиллар Тожикистон Фанлар Академияси шарқшунослик институтида қўлёзмалар бўлимида фаолият юритиб, Ислом дини асослари, мантиқ, адабиёт фанларидан таълим берганлар. 1989 йилда Тожикистонда вафот этганлар.

«Қиблагоҳ» китоби асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2025 йил 16 январдаги 02-07/296-сонли хулосаси асосида тайёрланди.